**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**БАНК – МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*
*УДК:631.15.33*

**ХАМРАЕВА САЙЁРА НАСИМОВНА**

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

**08.00.04 –"Агросаноат мажмуи иқтисодиёти"**

**Иқтисод фанлари номзоди**
**илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент – 2009**

Диссертация иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор **Эргашев Раҳматулла Ҳидирович.**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор **Чориев Қурбон Амирович;**

иқтисод фанлари номзоди, доцент **Рашидов Жамшид Ҳамидович.**

**Етакчи ташкилот:** **Андижон қишлоқ хўжалиги институти.**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил "__" декабр соат 16[00] да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ. Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил "__" ноябр да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган**
**кенгаш илмий котиби, и.ф.н.** **Ф.И.Мирзаев.**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш асосида деҳқон меҳнатининг нуфузини ошириш, озик-овқат маҳсулотларига бўлган эхтиёжларни қондириш, мамлакатимиз қишлоқ жойларида аҳоли учун қулай иш ва турмуш шарт-шароитларини яратиш муаммоларини ҳал этиш бугунги куннинг энг муҳим илмий масалаларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашуви шароитида қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида қабул қилинган. Ушбу вазифани амалга ошириш учун энг аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва уларнинг эхтиёжлари тўлиқ қондирилиши учун илмий асосланган инфратузилмани яратиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "...мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат. ...инфратузилмани ривожлантириш кўп меҳнат талаб қилинадиган кенг кўламли соҳа ҳисобланади. Бу янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш имконини беради"[1].

Шу мақсадда 2009 йилда мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқ қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорларнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми ва ўрнини қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир[2].

Ушбу устувор вазифани амалга ошириш чора – тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" Давлат дастурида ўз аксини тўлиқ топган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида фермер хўжаликларини ривожлантиришда моддий–техника таъминот тизими, илмий-техника тараққиёти ва интенсивлаштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳал қилувчи омилдир. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ишлаб чиқариш қуроллари такомиллашуви, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва

---

[1] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон, 2009. 48-49 б

[2] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари - Т.: Ўзбекистон, 2009. 48-49 б



а-14123

жонли меҳнат ҳиссасини камайтириш эвазига улардан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига унга хизмат курсатувчи инфратузилма тармоқларининг ривожланиш ҳолати жиддий таъсир курсатади. Бироқ шаклланган, мавжуд ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари етарли даражада ривожланмаганлиги қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини самарали ташкил этиш йўналишларини белгилаш, оптимал жойлаштириш, устувор шакллантириш йўлларини аниқлаш, қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси зарурлигини илмий-назарий асослаш ва қишлоқ хўжалигида инфратузилма сохаларини жойлаштириш ва ривожлантириш қишлоқ хўжалигида инфратузилма соҳаларини ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари иқтисодчи олимлардан А. Смит, А. Хиршман, А.Ю.Шарипов, А.Янгсон, В.А.Жамин, В.П.Красовский, В.Н.Коновалова, И.К.Беляевский, К.Р.Макконел, Л.М.Гатовский, П.Розенштейн – Родан, Р.Иохемсен, Р.Нурке, С.Л.Брю, Х.Зингер, Ю.А.Жаравиналар[3] томонидан тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда ушбу муаммонинг умумий томонлари иқтисодчи олимларимиз А. М. Жураев, А.Р.Ваҳобов, А.Ғ. Турсунов, Б.Б. Беркинов, Ж.Х. Рашидов, И.Э.Рафиков, К.Э. Мадраҳимов, Р.Ҳ.Ҳусанов, Р.Х.Эргашев, Ч.Муродов, Қ.А. Чориевнинг[4] илмий ишларида ўрганилган.

---

[3] Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. В 2-х т. – М.:Наука, 1992. Т.1. С. 13; Макконел К. Р., Брю С. Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2–х т. – М.: Республика, 1992. - 388 с.; Жаравина Ю.А. Производственная инфраструктура, как фактор повышения конкурентоспособности национального хозяйства: Автореф. дис. канд. экон. наук. – СПб. 2006. - 27с.; Коновалова В.Н. Экономическая эффективность производственной инфраструктуры сельского хозяйства: Автореф. дис. канд. экон. наук. – Вологда: 2002. – 26 с.; Статистика рынка товаров и услуг: Учеб. для студентов вузов, обучающихся по специальностям «Статистика», «Маркетинг» и др. экон. специальностям / И.К.Беляевский, Г.Д.Кулагина, Л.А. Данченко и др. Под ред. И.К.Беляевский. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 364 с.; Резервы повышения эффективности инвестиционного комплекса: монография / В. П. Красовский, Л. М. Смышляева, М. Н. Лойтер и др.; Под ред. В. П. Красовского, Л. М. Смышляевой. - М.: Экономика, 1984. - 238 с.

[4] Беркинов Б.Б., Гаюматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007. – 44 б.; Вахобов А.Р. Организация и развитие сферы услуг сельскому населению в условиях многоукладной экономики. Автореф. дис. канд. экон. наук. - Т.:НИИРР в АПК, 1997. – 27с.; Муродов Ч. Қишлоқда бозор инфратузилмаси асосларини шакллантириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 1999 -№ 3. -Б. 2 - 4.; Жураев А.М. Қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш масалаларига устиворлик //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2003. - № 11 – 12. -Б. 14-17.; Р.Ҳ.Ҳусанов, А.Н.Ҳамламов, И.Э.Рафиков. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина – трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. – Т.: Янги аср авлоди. 2001. – 76 б.; Рафиков И.Э., Мухторов А.Ҳ., Раҳимов Б.И. Фермерларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш. - Т.: Фан. 2007. - 20 б.; Турсунов А.Ғ. Кўп укладли иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфраструктурасини ташкил этиш ва ривожлантириш: Автреф. дис... иқт.фан.номз. Т.: ЎзБИИТИ, 1998 –7 б.; Чориев Қ.А. Бозор инфратузилмасини шакллантириш – иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштириш гарови// Бозор ислоҳотлари чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантириш: республика илмий – амалий семинар маърузалар тўплами. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 1998. - Б.35

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини оптимал жойлаштириш ва ривожлантириш муаммоси яхлит тизимга келтирилган ҳолда, махсус илмий – тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган. Ушбу муаммо муҳим ижтимоий – иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, уни назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш тадқиқот мавзусини танлашга асос бўлди.

**Диссертация ишининг илмий – тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий иш Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий – тадқиқот ишлари дастури доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

– иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хусусиятларини аниқлаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари моддий–техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– фермер хўжаликлари ихтисослашувини инобатга олинган ҳолда, инқирозга қарши чоралар дастури доирасида яқин истиқболда инфратузилма объектларини оптимал жойлаштириш ва янада ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини Ўзбекистон шароитида ижодий қўллашга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот объекти Қашқадарё вилояти аграр соҳасида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги инфратузилма тармоғи субъектлари ва фермер хўжаликлари ҳисобланади. Алоҳида монографик кузатишлар вилоятнинг Нишон туманидаги қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мисолида олиб борилган.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма соҳаларини оптимал жойлаштириш ва ривожлантириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари.** Илмий-тадқиқот ишида монографик ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш, статистик гуруҳлаш, иқтисодий-математик моделлаштириш усулларидан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқот гипотезаси.** Тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ривожланишининг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш жараёнида уни ривожлантириш ва оптимал жойлаштиришга қаратилган илмий тавсиялар гипотезанинг ассоциация усулидан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинган.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

– қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш босқичлари тизимлаштирилиб, уни қишлоқ хўжалигининг ижтимоий–иқтисодий ривожланиш жараёнларга таъсири асосланган;

– фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг моддий–техника базасини мустаҳкамлашга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

– фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган инфратузилма объектларини оптимал жойлаштириш ва ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрланган;

– қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Илмий янгилиги:**

– иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хусусиятлари аниқланган;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма моддий–техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

– фермер хўжаликлари ихтисослашувини инобатга олган ҳолда, инқирозга қарши чоралар дастури доирасида яқин истиқболда инфратузилма объектларини оптимал жойлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

– қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатларда қўлланилган илғор тажрибаларини республикамизда ижодий фойдаланиш йўналишлари аниқланган;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларини амалиётга жорий қилиш қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини оптимал жойлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва фермер хўжаликлари раҳбарларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (9.04.2009 йилдаги маълумотнома), Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (10.12.2008 йилдаги маълумотнома), Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси (10.12.2008 йилдаги маълумотнома), Нишон тумани фермерлар уюшмалари (20.10.2008 йилдаги маълумотнома) томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган. Диссертация натижаларидан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида "Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти", "Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти", "Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти" (5.12.2008 йилдаги маълумотнома) фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари халқаро ва республика илмий – амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган: "Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг иқтисодий самардорлиги" (Қарши, 2002), "Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилманинг аҳоли бандилигига таъсири" (Тошкент, 2003), "Решение социальных проблем села" (Ташкент, 2003), "Региональный потенциал АПК: достижения, проблемы, перспективы развития" (Ташкент, 2003), "Қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳаларига меҳнат ресурсларини жалб қилиш" (Тошкент, 2004), "Особенности развития социальной инфраструктуры на селе" (Москва, 2004), "Қишлоқда замонавий инфратузилмани комплекс ривожлантириш" (Қарши, 2005), "Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш–самарадорлик гарови" (Тошкент, 2005), "Перспективы развития технических услуг в сельском хозяйстве в условиях экономических реформ" (Москва, 2006), "Влияние факторов социальной инфраструктуры на эффективность сельскохозяйственного производства" (Москва, 2006), "Аграр соҳада бозор муносабатларини шакллантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти" (Тошкент,2006), "Перспективы развития сервисных предприятий для фермерских хозяйств" (Ташкент, 2006), "Қишлоқ хўжалигининг ривожланишида бозор инфратузилмасининг аҳамияти" (Тошкент, 2006), "Значение определения нормативной потребности населения в объектах сферы услуг" (Москва, 2007), "Қишлоқ хўжалиги инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий – иқтисодий механизмларини ривожлантириш" (Тошкент, 2007), "Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш муаммоси" (Тошкент, 2008), "Аграр соҳада инфратузилма тармоқларини молиялаштиришда лизингнинг аҳамияти" (Қарши, 2009), "Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш йўллари" (Тошкент, 2009).

Диссертация иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти бирлашган илмий-назарий семинари ва Ўзбекистон Республикаси Банк – молия академияси ҳузуридаги Д.005.25.01. сонли Бирлашган ихтисослашган кенгаш ҳузуридаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий ишнинг асосий ғояси ва натижалари юзасидан жами 3,8 босма табоқ ҳажмидан иборат 6 та илмий мақола ва 19 та тезисларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 145 бетдан иборат бўлиб, 15 та жадвал, 20 та расмни ўз ичига олган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Республикамизда фермер хўжаликларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур шарт-шароитларни тубдан яхшилаш қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектлари ривожлантирилишини қуйидаги сабабларга кўра объектив заруриятга айлантирмоқда:

– ушбу хўжаликлар туман марказига банк хизматидан фойдаланиш, моддий ва хом–ашё ресурсларини сотиб олиш учун бориб-келиши трансакцион харажатларнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади. Ҳар бир фермер хўжалиги учун бундай молиявий ва вақт босими улар фаолиятининг самарадорлигини камайтиради ва барқарор хўжалик юритишига салбий таъсир қилади;

– Ўзбекистонда шаклланаётган бозор муносабатлари таъсирида қишлоқ хўжалигида бандликнинг миқдор жиҳатдан мутлақ ва нисбий қисқаришга мойиллиги бўшаётган меҳнат воситаларини инфратузилма ва қайта ишлаш соҳасига йўналтирилишини тақозо этади;

– жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, фермер ва деҳқон хўжаликларининг самарали фаолият юритиши учун зарурий шарт – шароитларни яратиш, инфратузилма муассасалари хизматининг етарли бўлиши ва унинг сифати хўжаликларни бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият кўрсатишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Инфратузилма, бу – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг мутаносиб фаолият юритиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашувчи хизматлар мажмуаси ва уларнинг бино – иншоотларидир.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси кўрсатаётган хизмат турларини характерига кўра моддий таъминот, молиявий таъминот, информацион таъминот ва реклама, махсус хизмат, ташиш ва қайта ишлаш турларига ажратиш мумкин, (1 - расм).

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ушбу тартибда таснифлаш унинг бажарадиган вазифасини тўлақонли акс эттира олади ва шу билан бирга келажакда фермер хўжаликларига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот ишида республикада қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг ривожланишини шартли равишда уч босқичга бўлинган ҳолда ўрганилди ва улар учун хос қуйидаги хусусиятлар аниқланди:




**1-расм. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хизматлари таснифи**[5]

I – босқич 1995 – 2001 йилларни қамраб олган бўлиб, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг шаклланиш даври ҳисобланади. Ушбу йилларда инфратузилма хизматларига эхтиёжи бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, яъни деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши билан характерланади;

II – босқич (2002 – 2006 йиллар) – қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларининг давлат дастурлари асосида шакллантирилиши кузатилди;

III–босқич 2007–2010 йилларни ўз ичига олиб, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури асосида амалга оширилиб хизмат турларини кенгайтириш, сифат даражасини яхшилаш ва истиқболли фермер хўжаликларининг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашадиган хизмат турларини жадал ривожлантиришга эътибор берилмоқда.

[5] Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ушбу даврларда республикамизда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини шакллантириш учун қатор чора–тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, аграр секторда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

– фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги;

– инфратузилма шахобчаларининг ҳудудий жиҳатдан оптимал жойлаштирилмаганлиги;

– хизмат кўрсатиш муассасалари ўз функцияларини талаб даражасида бажариш учун етарли ресурс ва салоҳиятга эга эмаслиги.

Таҳлилларга кўра, 2002 йилдан вилоятда фаолият кўрсатиб келган ҳар бир муқобил МТП, СФУ, ЁММ[6] ва минерал ўғит сотиш шахобчалари хизмат кўрсатадиган фермер хўжаликлари ер майдони 246,6 гектарни ташкил этган бўлса, 2008 йилда ушбу кўрсаткичлар тахминан 1,7 – 2 баробар камайган. Яъни, ҳар бир қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектига тўғри келадиган фермер хўжаликлари ер майдонлари камайиб борган. Аммо, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан бизга маълумки, битта фермер хўжалигига бир нечта инфратузилма объекти хизмат кўрсатади, ваҳоланки республикамизда бунинг аксинча ҳолатини кўришимиз мумкин. Демак, келажакда инфратузилма объектлари сонини кўпайтириш ва улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш лозим.

Мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида фермер хўжаликлари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириб бориш муҳим масалалардан бири саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот жараёнида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражасининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига таъсири ўрганиб чиқилди, (1 – жадвал).

Таҳлилда натижавий омил сифатида фермер хўжаликларида бир гектардан олинган ялпи маҳсулот қиймати, таъсир этувчи омиллар сифатида эса, битта муқобил МТП, битта СФУ, битта ЁММ сотиш шахобчаларига тўғри келадиган фермер хўжаликлари ер майдонлари, минерал ўғит сотиш шахобчалари сони ҳисобга олинди.

1-жадвал маълумотларини компьютер дастури ёрдамида қайта ишлаш натижаларига кўра, битта муқобил МТПга тўғри келадиган ер майдонлари бир гектарга ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, қишлоқ хўжалигида бир гектардан олинган ялпи маҳсулотининг ўртача 9,49 сўмга камайишига олиб келади, битта СФУга тўғри келадиган ер майдони бир гектарга ошиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, қишлоқ хўжалигида бир гектардан олинган ялпи маҳсулотининг ўртача 10,75 сўмга ошишига олиб келади, битта ЁММ сотиш шахобчасига тўғри келадиган ер майдонининг бир гектарга ошиши

[6] МТП – машина-трактор парки, СФУ – сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, ЁММ – ёқилғи-мойлаш материаллари

**1 – жадвал**

**Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига таъсири [7]**

| Йиллар | 1 гектардан олинган ялпи маҳсулот, сум / га<br>Y | Битта ММТП га тўғри келадиган фермер хўжаликлари ер майдони, га<br>$X_1$ | Битта СФУга тўғри келадиган фермер хўжаликлари ер майдони, га<br>$X_2$ | Битта ЁММ сотиш шахобчаларига тўғри келадиган фермер хўжаликлари ер майдони, га<br>$X_3$ | Минерал ўғит сотиш шахобчалари сони, бирлик<br>$X_4$ |
|---|---|---|---|---|---|
| **2002** | 15788 | 7352,7 | 7352,7 | 7352,7 | 26 |
| **2003** | 23345 | 5007,1 | 5192,5 | 5007,1 | 56 |
| **2004** | 37140 | 3453,8 | 3776,6 | 3812,3 | 89 |
| **2005** | 37802 | 3313,3 | 3573,6 | 3678,8 | 106 |
| **2006** | 47664 | 3191,8 | 3806,3 | 3669,6 | 132 |
| **2007** | 45948 | 3589,7 | 4159,8 | 3822,6 | 126 |
| **2008** | 51398 | 3640,0 | 4193,5 | 3876,1 | 126 |
| **2008 йилда 2002 йилга нисбатан,%** | **325,6** | **49,5** | **57,0** | **52,7** | **77,4** |

бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, қишлоқ хўжалигида бир гектардан олинган ялпи маҳсулотнинг ўртача 0,98 сўмга камайишига олиб келади ва минерал ўғит сотиш шахобчалари сонининг биттага кўпайиши бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда, қишлоқ хўжалигида бир гектардан олинган ялпи маҳсулотнинг ўртача 275,47 сўмга ошишига олиб келади. Демак, ушбу омилларнинг ҳар бирини якка ҳолда таҳлил этганда қолган омиллар ўзгаришсиз, деб қаралганда энг катта таъсир минерал ўғит сотиш шахобчалари сонига тўғри келади. Натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланишни ифодалайдиган регрессиянинг чизиқли тенгламасини қуйидагича акс эттириш мумкин:

$$Y=6234,04 -9,49X_1 + 10,75\ X_2 -0,98\ X_3+275,47\ X_4$$

Бу ерда Y – қишлоқ хўжалигида бир гектар ердан олинган ялпи маҳсулот, сум

$X_1$ – битта муқобил МТПга тўғри келадиган ер майдон, га

$X_2$ – битта СФУ томонидан хизмат кўрсатиладиган ер майдон, га;

$X_3$ – битта ЁММ сотиш шахобчалари томонидан хизмат кўрсатиладиган ер майдон, га;

$X_4$ – минерал ўғит сотиш шахобчалари сони, бирлик.

Монографик тадқиқотлар жараёнида фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасида қуйидаги муаммолар аниқланди:

– фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги;

– ҳудудларда фермер хўжаликлари ихтисослашувини инобатга олмаган ҳолда, қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари жойлаштирилганлиги;

---

[7] Қашқадарё вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

– қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини молиялаштириш тизими етарли даражада ривожланмаганлиги;

– қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларининг моддий-техника базаси талаб даражасида эмаслиги хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир этаётганлиги.

Таҳлилларга кўра, фермер хўжаликлари экин майдонлари билан қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларига ажратган харажатлар ўртасида тескари боғлиқлик бор, яъни йирик фермер хўжаликларининг аксариятида техникалар мавжуд бўлиб, механизация ишларини ўз вақтида ва сифатли бажаришга эришилмоқда, (2 - жадвал).

**2 – жадвал**

**Фермер хўжаликлари пахта экин майдони ҳажмининг уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичларига таъсири**[8]

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Экин майдони бўйича гуруҳланиши | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 20 га-гача | 21 - 50 | 51 ва ундан юқори | Жами |
| 1 | Фермер хўжаликлар сони | дона | 126 | 58 | 16 | 200 |
| 2 | Жамига нисбатан уларнинг улуши | % | 63 | 29 | 8 | 100 |
| 3 | Пахта майдони | га | 18 | 45 | 54 | 5742 |
| 4 | Ўртача ҳосилдорлик | ц/га | 26,8 | 43,9 | 47,5 | 37,7 |
| 5 | 1 гектар ерга сарфланган ўртача харажат | минг сўм/га | 807,7 | 1145,3 | 1037,1 | 995,7 |
| 6 | Шу жумладан, хизмат кўрсатиш корхоналари улуши | % | 78,6 | 57, 8 | 37,4 | 42,3 |
| 7 | 1 гектар ердан олинган ўртача даромад | минг сўм/га | 1038,5 | 1528,4 | 1768 | 1370,9 |
| 8 | 1 гектар ердан олинган ўртача соф даромад | минг сўм/га | 230,8 | 383,1 | 730,9 | 375,3 |
| 9 | Рентабеллик даражаси | % | 28,6 | 33,4 | 70,6 | 37,7 |

Аммо, ушбу натижалар қишлоқ хўжалиги инфратузилма хизматидан фойдаланишга эҳтиёж йўқ деган хулосага келмаслик керак, аксинча, уларнинг тури ва миқдорини ошириш, улар ўртасида иқтисодий рақобатни кучайтириш зарур. Чунки, истиқболда фермер хўжаликлари ривожланиши устун даражада инфратузилма тармоғининг ривожланиш даражаси ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатига боғлиқ бўлади.

Тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши тақозо этилади:

– қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари моддий–техника базасини мустаҳкамлашда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириб бориш ва давлат аралашувини камайтириш;

– четдан келадиган ресурслар ва техника воситаларини маҳаллийлаштириш;

---

[8] Пишғон тумани фермер хўжаликларининг 2008 йил ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

– хизмат кўрсатиш ва таъминот тизимида рақобат муҳитини яратиш;

– лизинг, ипотека, франчайзинг ва имтиёзли кредитлардан фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш ва унинг моддий- техника базасини мустаҳкамлашга сарфланган сармоя инфратузилма объектларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилиши лозим. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усули моддий ишлаб чиқариш соҳаларида ҳисобланадигани каби бўлиши ва шу билан бирга муомала жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши лозим.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг самарадорлик кўрсаткичи қуйидаги формула[9] орқали аниқлаш таклиф қилинади:

$$Cu = \frac{C\phi}{Xuч + Xм};$$

Бу ерда, $C_u$ - қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси самарадорлик кўрсаткичи;

$C_\phi$– қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хизматлари кўрсатишдан тушган соф фойда;

$X_{u.ч}$–қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлари (асосий фондлар амортизациясини ҳисобга олмаган ҳолда);

$X_м$ қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларининг муомала харажатлари.

Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг ривожланиш тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистон шароитида уларни қуйидаги йўналишларда жорий этиш тавсия этилди:

– вилоят МТП давлат акциядорлик жамиятларда ва муқобил МТПларда хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириб бориш, чорвачилик тармоғига хизмат қиладиган бўлимларни ташкил этиш;

– Қашқадарё вилояти "Ўзагромашсервис" ва "Ўзқишлоқхўжаликмаш-лизинг" акциядорлик лизинг компанияси вилоят филиали негизида трактор, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналарига техник сервис хизмати кўрсатадиган дилерлик хизматларини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

– фермерлар уюшмаси таркибида моддий – техника таъминоти ва техник сервис хизмат кўрсатувчи кооператив ташкил этиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва агросаноат мажмуасининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, лизинг муносабатларини такомиллаштириш, шу жумладан, давлатнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини кучайтириш;

– фермер хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашадиган "Экстеншн – сервис" марказларини ташкил этиш.

Республикада "Экстеншн – сервис" маркази фаолиятини қуйидаги йўналишларда олиб бориш тавсия этилади, (2-расм).

---

[9] Формула муаллиф томонидан тузилган.




**2-расм. Таклиф этилаётган "Экстеншн - сервис" маркази фаолият турлари[10]**

Тадқиқот жараёнида қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларини ривожлантиришда уларни оптимал жойлашувига эътибор бериш зарур. Нишон туманидаги "Самарқанд" фермерлар уюшмасида ўтказилган монографик тадқиқотлар натижасида фермер хўжаликларининг ихтисослашувини, бир гектар ерга сарфланадиган минерал ўғит нормасини инобатга олган ҳолда, трансакцион харажатларни камайтириш ва рақобат муҳитини шакллантириб бориш мақсадида минерал ўғит сотиш шахобчаларини оптимал жойлаштириш тавсия этилди. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, транспорт масаласининг очиқ моделини потенциаллар усули ёрдамида ҳисоблаш натижасида "Самарқанд" фермерлар уюшмасида қўшимча равишда 4 та минерал ўғит сотиш шахобчасини ташкил этиш натижасида бир йилда ўртача 11961тонна км ўрнига 7044тонна км масофа орқали минерал ўғитларни фермер хўжаликларига етказиш имкони борлиги аниқланди.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг муҳим вазифаларидан бири қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчиларига замонавий ва сифатли хизмат кўрсатишдир. Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари фермер хўжаликлари билан ўзаро ҳуқуқий-иқтисодий муносабатларга киришади, (3-расм).

[10] Муаллиф томонидан тадқиқот натижалари асосида тузилган.




**3 – расм. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар тизими**[11]

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги шартномавий муносабатлардаги муаммолардан бири ўзаро мажбуриятларнинг кўрсатилган муддатда бажарилмаслигидир, яъни бир томондан, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари сусткашлиги билан контрактация шартномалари вақтида талаб даражасида бажарилмаслик ҳолатлари мавжуд бўлса, иккинчи томондан эса, фермер хўжаликлари кўрсатилган хизмат тури учун инфратузилма ташкилотларига ўз вақтида тўловларни амалга ошира олмаётганлигидир. Шу нуқтаи-назардан қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси фаолиятини такомиллаштиришга мажмуавий ёндашиш талаб этилади.

## ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Фикримизча, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида "инфратузилма", бу – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари мутаносиб фаолият юритиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишга кўмаклашувчи хизматлар мажмуаси ва уларнинг бино–иншоотларидир.

2. Тадқиқотларга кўра, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг фермер хўжаликларига кўмаклашадиган хизмат турларини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалиги учун кўрсатиладиган хизмат турлари ва улардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган. Қишлоқ

[11] Муаллиф томонидан тузилган.

хўжалиги инфратузилмаси хизмат турларининг характерига кўра моддий, молиявий ва информацион таъминот, реклама, махсус хизмат ҳамда ташиш ва қайта ишлаш хизмат турлари бўйича тасnифи ишлаб чиқилган.

3. Қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларини ривожлантириш зарурияти уларнинг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг бозор иқтисодиёти тамойилларига мос даражада шаклланмаганлиги, талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда, номутаносиб жойлашганлиги ҳамда ўз вазифаларини бажаришлари учун етарли ресурсларга эга эмаслиги билан изоҳланади.

4. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектларининг хизмат кўрсатиш турлари бўйича фаолиятининг ҳолати Нишон тумани фермер хўжаликларида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектларининг барча хизмат турлари бўйича – техника воситаларининг етишмаслиги ва эскирганлиги даражаси юқорилиги (63%), зарур бўлган ресурсларни ўз вақтида етказиб берилмаслиги (56%) ва хизмат ҳақи юқорилиги (52%) билан боғлиқ камчиликлар мавжудлиги эътироф этилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигида инфратузилма хизматларини яхшилаш, мавжуд камчиликларини бартараф этиш учун уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда малакали мутахассислар билан таъминлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

5. Тадқиқотлар кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инфратузилма тармоқлари таъсири катта бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланиб, ишлаб чиқариш жараёнини бир меъёрда боришини таъминлаб берса, бозор инфратузилмаси хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бозор механизмларини ривожлантиради ва иккаласи уйғунлашган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги оширишини таъминлайди.

6. Қишлоқ хўжалиги инфратузилма фаолияти ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш ва улар фаолиятини самарали йўлга қўйиш лозим. Яъни бу борада сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ривожлантиришда сувдан хусусий фойдаланувчилар учун сув етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни тартибга солишда ҳуқуқий-иқтисодий асосларини яратиш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ва моддий – техник ресурслар етказиб берувчилар ўртасида рақобат муҳитини яратиш тақозо этилади. Шу билан бирга, мавжуд монопол ҳолатни бартараф этиш учун туманларда биржа филиалларини ташкил этиш ва фермерларнинг ушбу биржалар орқали савдо қилишларини йўлга қўйиш лозим.

7. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва бир гектарга нисбатан сарфланадиган минерал ўғит меъёрларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, трансакцион харажатлар ва вақтни тежаш мақсадида минерал ўғит сотиш шахобчаларини оптимал жойлаштириш талаб этилади.

Диссертация ишида вилоятда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини барқарор ривожлантиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини молиялаштиришнинг самарадорлигини аниқлашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

–қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш мақсадида киритиладиган сармояларнинг ўзаро мутаносиб тақсимланганлиги;

–қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари;

–инфратузилма объектлари етарли даражада ривожланмаган тақдирда мавжуд ва кутилаётган харажатларнинг манбалари ва микёсига.

2. Қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларини молиялаштиришда ўзини–ўзи молиялаштириш тизимларини шакллантириш, молиялаштиришнинг мавжуд тизимларини такомиллаштириш ва янги тизимларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

3. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳуқуқий – иқтисодий муносабатларни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш лозим:

– қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий хужжатларини такомиллаштириш;

– фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги иқтисодий – ҳуқуқий муносабатлар юзасидан келиб чиқадиган муаммоларни адолатли хал қилишда, шартнома мажбуриятлари бажарилишида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини эркинлаштириш;

– фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий–иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш мақсадида юридик хизмат кўрсатиш тизимидан кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Хамраева С.Н. Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги // Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши: ҚМИИ, 2002. – Б.174-176.

2. Хамраева С.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилманинг аҳоли бандлигига таъсири // Янги иқтисодий тизим шароитида халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2003. – Б. 51-53.

3. Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Решение социальных проблем села // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кучли ижтимоий сиёсат ва инсон омилининг ривожланиши. Республика илмий–амалий конференция тезислари тўплами. – Тошкент: ЎзМУ, 2003. – Б. 191-194.



resurs markazi
Inv № 0-14123

4. Хамраева С.Н. Региональный потенциал АПК: достижения, проблемы, перспективы развития // Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. –Тошкент: УзБИИТИ, 2003. – Б.305-307.

5. Хамраева С.Н. Қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳаларига меҳнат ресурсларини жалб қилиш // Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Халқаро илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. –Тошкент: УзБИИТИ, 2004. –Б. 225-227.

6. Хамраева С.Н. Особенности развития социальной инфраструктура на селе // Семнадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов – М., 2004 – С. 240-241.

7. Хамраева С.Н. Қишлоқда замонавий инфратузилмани комплекс ривожлантириш // Фан техника тараққиётида Қашқадарё олималарнинг ўрни. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Қарши: ҚДУ, 2005. – Б. 241-243.

8. Хамраева С.Н. Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш – самарадорлик гарови // Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси, қонунчиликни такомиллаштириш ва республикада фермерликни ривожлантириш истиқболлари. Республика илмий-амалий конференция маърузалари тўплами. – Тошкент: УзБИИТИ, 2005. –Б. 185-197.

9. Хамраева С.Н., Шохўжаева З.С. Қаторда норинг бўлса..(Инфратузилма тармоқларини ривожлантириш истиқболлари) // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2005. - №12. – Б.8-9.

10. Хамраева С.Н., Шодиев Т.Х. Перспективы развития технических услуг в сельском хозяйстве в условиях экономических реформ // Девятнадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов – М., 2006. – С. 320.

11. Хамраева С.Н., Муродова Н.У., Темирова Ф.С. Влияние факторов социальной инфраструктуры на эффективность сельскохозяйственного производства //Девятнадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов – М., 2006. – С. 347.

12. Хамраева С.Н. Перспективы развития сервисных предприятий для фермерских хозяйств // Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари. Халқаро илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами. – Тошкент: ҚМИИ, 2006. – Б. 90-92.

13. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалигининг ривожланишида бозор инфратузилмасининг аҳамияти // Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари. Халқаро илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами. – Тошкент: ҚМИИ, 2006. – Б. 120-121.

14. Хамраева С.Н. Значение определения нормативной потребности населения в объектах сферы услуг // Двадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов. – М., 2007. – С. 169-171.

15. Хамраева С.Н. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида меҳнат бозори ва аҳоли меҳнат миграциясини тартибга солиш. Республика илмий-амалий анжуман тезислар тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2007. – Б. 106.

16. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий–иқтисодий механизмларини ривожланти-риш // Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. – Тошкент: ҚМИИ, 2007. – Б. 168-169.

17. Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Развитие инвестиционной деятельнос-ти в Кашкадарьинской области // Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари. Республика илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. – Тошкент: ҚМИИ, 2007. – Б. 212-213.

18. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш муаммоси // Бозор муносабатларни ривожлантириш шароитида қишлоқда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. Республика илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами. - Тошкент: БИИТИ. 2007. – Б.157-159.

19. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожланти-ришда хориж тажрибаси // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2008. - №11. – Б.53-55.

20. Хамраева С.Н., Салимов О. Аграр соҳада инфратузилма тармоқла-рини молиялаштиришда лизингнинг аҳамияти // Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида қишлоқ аҳолисини фаровонлигини оширишнинг стратегияси ва истиқболлари. Республика илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами. – Қарши: ҚМИИ, 2009. – Б.227-159.

21. Хамраева С.Н. Развитие инфраструктуры в сельском хозяйстве Республики Узбекистан // Экономика и финансы. – Москва, 2009. -№2. – С. 42-44.

22. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожланиши// Биржа - эксперт. – Тошкент, 2009. - №1. – Б.10-13.

23. Хамраева С.Н. Совершенствование договорных отношений между фермерскими хозяйствами и объектами сферы услуг // Экономика и финансы. – Москва, 2009. -№3. – С. 66-68.

24. Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Пути развития инфраструктуры села // Международный научный бюллетень. – Прага, 2009. №1. – С. 99-100.

25. Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш йўллари. // Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк–молия тизимининг ўрни. Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 164-167.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Хамраева Сайёра Насимовнанинг 08.00.04 – "Агросаноат мажмуи иқтисодиёти" ихтисослиги бўйича "Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида)" мавзусидаги диссертациясининг**

**РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** инфратузилма, моддий таъминот, информацион таъминот, молиявий таъминот, махсус хизмат, ташиш ва қайта ишлаш хизмати, моддий-техника база, лизинг, оптимал жойлашув, ихтисослаштириш, экстеншн-сервис, иқтисодий самарадорлик, молиялаштириш.

**Тадқиқот объектлари.** Қашқадарё вилояти аграр соҳасида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги инфратузилма тармоғи субъектлари ва фермер хўжаликлари ҳисобланади. Алоҳида монографик кузатишлар вилоятнинг Нишон туманидаги қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектлари, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мисолида олиб борилган.

**Ишнинг мақсади:** қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** монографик ўрганиш, қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, иқтисодий-математик моделлаштириш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хусусиятлари аниқланган; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма моддий–техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган; фермер хўжаликлари ихтисослашувини инобатга олган ҳолда, инқирозга қарши чоралар дастури доирасида яқин истиқболда инфратузилма объектларини оптимал жойлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган; қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатларда қўлланилган илғор тажрибаларини республикамизда ижодий фойдаланиш йўналишлари аниқланган;қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрланган.

**Амалий аҳамияти:** диссертация натижаларини амалиётга жорий қилиш қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини оптимал жойлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот ишида олинган илмий хулосалар ва амалий таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қашқадарё вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси, Нишон тумани фермерлар уюшмалари томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида "Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти", "Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти", "Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти" фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, фермер хўжаликлари уюшмаси, олий ўқув юртлари.

# РЕЗЮМЕ

**диссертации Хамраевой Сайёры Насимовны на тему: «Пути развития сельскохозяйственной инфраструктуры (на примере Кашкадарьинской области)» на соискание учёной степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04 – «Экономика агропромышленного комплекса»**

**Ключевые слова:** инфраструктура, материальное обеспечение, информационное обеспечение, финансовое обеспечение, специализированные услуги, услуги перевозки и переработки, материально-техническая база, лизинг, оптимальное размещение, специализация, экстеншн-сервис, экономическая эффективность, финансирование.

**Объекты исследования:** субъекты сельскохозяйственной инфраструктуры и фермерские хозяйства, функционирующие в аграрном секторе Кашкадарьинской области. Отдельные монографические исследования проводились в субъектах сельскохозяйственной инфраструктуры и в фермерских хозяйствах Нишанского тумана, специализирующихся на хлопководстве и зерноводстве.

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций по развитию сельскохозяйственной инфраструктуры в условиях углубления экономических реформ в сельском хозяйстве.

**Методы исследования:** монографическое исследование, сравнительный анализ, статистическая группировка, экономико-математическое моделирование.

**Полученные результаты и их новизна:** выявлены особенности сельскохозяйственной инфраструктуры в условиях либерализации экономики; разработаны практические рекомендации по укреплению материально-технической базы инфраструктуры, оказывающей услуги производителям сельхозпродукции; разработаны научные предложения и практические рекомендации по оптимальному размещению и развитию в перспективе субъектов инфраструктуры в рамках мер по реализации антикризисной программы исходя из специализации фермерских хозяйств; определены основные направления использования передового опыта зарубежных стран по развитию сельскохозяйственной инфраструктуры в условиях Узбекистана; подготовлены научные предложения и практические рекомендации, направленные на совершенствование экономическо-правовых отношений между производителями сельхозпродукции и субъектами сельскохозяйственной инфраструктуры.

**Практическая значимость:** внедрение научных результатов диссертационного исследования даёт возможность разработки научных предложений и практических рекомендаций по решению проблем для оптимального размещения и развития сельскохозяйственной инфраструктуры.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные предложения и практические рекомендации диссертационного исследования были приняты Министерством сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, управлением сельского и водного хозяйства, главным управлением Экономики Кашкадарьинской области, фермерскими ассоциациями Нишанского тумана для внедрения в практику.

Материалы диссертации могут быть использованы при совершенствовании учебных программ курсов «Экономика сельского хозяйства», «Экономика дехканских и фермерских хозяйств», «Экономика сельскохозяйственной инфраструктуры» и в процессе преподавания в высших учебных заведениях.

**Область применения:** Министерство сельского и водного хозяйства, Ассоциация фермерских хозяйств, высшие учебные заведения.

**RESUME**

**Thesis of Khamroyeva Sayyora Nasimovna on scientific degree of the candidate of economic sciences, speciality 08.00.04 – "Economy of Agro- Industrial Complex(AIC)", subject: "The ways of development of agricultural infrastructure (an example of Kashkadarya region)"**

**Key words:** infrastructure, material resources, dataware, financial provision, special services, transport and processing services, material and technical base, leasing, optimal allocation , specialisation, extension service, economic efficiency, financing.

**Subjects of research:** farms and infrastructural objects of the agriculture, functioning in agrarian sector of Kashkadarya region. Separate monographic researches were held in the objects of an agricultural infrastructure, and also in the farms of Nishan district, specializing on cotton and grain growing.

**Purpose of work:** development of scientific proposals and practical recommendations on the growth of agricultural infrastructure in the conditions of deepening of economic reforms and liberalization in agriculture.

**Methods of research:** monographic research, comparative analysis, statistical grouping, economic mathematical modeling.

**The results obtained and their novelty:** the features of agricultural infrastructure in the conditions of liberalization of economy were revealed; recommendations on strengthening of material and technical basis of infrastructure rendering services to farms were developed; proposals and recommendations on optimal allocation and development on target of infrastructure objects in terms of farming specialization were developed; the morn ways for use of foreign experiences agricultural infrastructure in conditions of Uzbekistan were developed; recommendations and practical proposals on perfection economic and legal relations between producers of agricultural products and infrastructure objects were scientifically founded.

**Practical value:** Introduction of the research results enables to develop scientific offers and practical recommendations on problem solving for optimal allocation and development of agricultural infrastructure.

**Degree of embed and economic effectivity:** scientific offers and practical recommendations of the research were accepted for introduction by the Ministry of Agriculture and Water Resources of the Republic of Uzbekistan, Department of Agriculture and Water Resources, Administration of Economy of Kashkadarya region, Association of farmers of Nishan district.

The materials of the paper can be applied in upgrading training programs and courses of "Economy of agricultural", "Economy of collective farms", "Economy of agricultural infrastructure" and teaching process in higher educational institutions.

**Field of application:** the Ministry of Agriculture and Water Resources, Association of farmers, higher educational institutions.

**Тадкикотчи:** ________________